Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

6-йил чиқиши.
29 ИЮЛЬ 1971 й.
ПАЙШАНБА
№ 176 (1551)
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Беш йиллик вахтасида

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДАСТУРХОНИГА

Шаҳримиздаги консерва заводида шу кунларда иш ниҳоятда қизғин. Далаларда етиштирилган мўл сабзавот ва мева ҳосилидан бу ерда турли-туман консервалар ширинликлар тайёрланмоқда. Завод коллективи ҳамшаҳарларимиз дастурхонининг доимо файзли бўлиши йўлида фидокорона меҳнат қилиб, ишлаб чиқаришда муҳим кўрсаткичларни қўлга киритмоқда.

Корхона ишчилари ўтган етти ойда ҳам яхши натижаларни қўлга киритишди. Шу давр ичида беш миллион 591 мингта шартли банка консервалар тайёрланди. Ой охирига қадар эса яна бир миллион шартли банка консервалар ишлаб чиқарилади.

Коллектив аъзоларининг бу йилги режалари катта. Улар 1971 йилда 28 миллион юз мингта шартли банка консервалар ишлаб чиқаришга аҳд қилишган. Ҳозирги кунда заводда ана шу мажбуриятни бажариш учун мусобақа қизитиляпти. Бу мусобақада корхонанинг В. Кузнецов ва З. Шай ҳуддинова ўртоқлар бош бўлган тамат ва сабзавот цехининг ишчилари пешқадамлик қилишяпти. Заводда беш йиллик шахсий топшириқларини муддатидан илгари адо этишга бел боғлаган ишчилар сони ҳам кун сайин ошиб боряпти.



Шаҳримиздаги энг йирик қандолатхона — «Ўртоқ» фабрикаси ишлаб чиқариш техникаси билан жиҳозланмоқда. Янги техника, ишлаб чиқаришга серунум методларнинг жорий этилиши туфайли корхона нинг маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати ортиб боряпти. Мана бу суратда ирис цехининг механизациялашган участкаларидан бири акс этган.

М. Нуриддинов фотоси.

ЛИДИЯНИНГ ЮТУҒИ

Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Лидия Павловна Казанцева куни кеча йиллик ишлаб чиқариш планини бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Моҳир тўқувчи ярим йиллик планни 1 апрелдаёқ адо этган эди. Унинг шу кунгача ишлаб чиқарган газламалари 185 минг метрдан ошиб кетди.

Л. П. Казанцева 8 июлдан бошлаб 1972 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда. У йил охиригача, планга қўшимча равишда ишлаб чиқарган газлама миқдорини 300 минг метрга етказишга аҳд қилди.

ПОЕЗДНИ АВТОМАТ БОШҚАРАДИ

Қизил Тўқимачи темир йўл станциясидан пассажир ва юк поездлари турли маршрутлар бўйлаб йўлга чиқади. Бу стрелкачилардан ниҳоятда хушёрликни талаб этади. Агар у бир зумгина бепарволик қилса, бахтсиз ҳодиса юз бериши мумкин.

Поездларни ўз маршрутлари бўйлаб йўналтириб туриш осон эмас. Баъзан стрелкачилар тун бўйи тиним билмайдилар.

Станцияда стрелкачиларнинг меҳнатини енгиллаштириш мақсадида поездларни йўналтириб турадиган аппарат қуриш бошланган эди.

Бугун

ана шу махсус автоматмослама ишга туширилди.

Эндиликда поездларни йўналтириб туриш вазифаси автомат зиммасига юкланди. Унда биргина стрелкачи ишлайди. У илгаригидек, уёқ-буёққа қатнаб овора бўлмайди, тегишли тугмани босса бўлди, поезд керакли изга тушиб олади.

КАТТА ТАЙЁРГАРЛИК

Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги астрономия институти олимлари физика-математика фанлари доктори Ю. М. Слон раҳбарлигида қуёш нурларининг ер ва космосга таъсири устида бир неча йиллардан бери илмий-кузатув ишларини олиб бормоқдалар.

Горизонтал қуёш телескопининг такомиллаштирилганлиги эса олимларга кенг имкониятлар очиб берди.

Тошкент астрофизикларидан бир группаси физика-математика фанлари кандидати В. С. Шевченко раҳбарлигида республикамиз тоғ районларида осмон жисмларини кузатиш учун астрономик пунктлар барпо этиш устида изланмоқдалар.

Институт директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари, физика-математика фанлари кандидати А. А. Латипов нинг хабар беришича, институтда Марс сайёраси Ерга яқинлашадиган кун — 10 августга катта тайёргарлик кўрилмоқда. Бу воқеа 15—17 йилда бир марта юз беради.

ШАҲАР — қишлоққа

Ҳам унумли, ҳам фойдали

Энергетика ва автоматика илмий-тадқиқот институти сув хўжалиги системаларини автоматик равишда бошқариш лабораториясининг мудири, Беруний мукофотн лауреати, техника фанлари кандидати, доцент Солиҳ Усмонов редакциямизга қуйидагиларни маълум қилди:

— 1968 йилда узоқдаги объектларни бошқариш ва сувни бир меъёрда очиб тўсиб, авария юз бергудек бўлса диспетчерлик пунктига хабар қилиб турадиган телемеханика аппарати яратган эдик. У Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари выставкасида яхши баҳо олганди.

Бу йил мазкур аппарат газ системасида жорий қилинмоқда, 240 та объектда газ тақсимлагич пункти (ГРП) қурилди, махсус харитага 240 та лампочка ўрнатилган. Улар объектлардаги ҳолат ҳақида хабар қилиб туради. Шунингдек, институт группа инженери М. Мирсоатов раҳбарлигида сувни маълум бир ҳажмда ушлаб турадиган регулятор (РГУ) яратилди.

Ерларнинг шўрини ювишга мослаштирилган вертикал дренажларни диспетчерлик пункти орқали бошқариш лойиҳаси устида иш олиб борилляпти. Эски вертикал дренажлар йилига 250-300 соат ишласа, автомат усулда бошқариладиган янги дренажлар 900 соатдан ортиқ ишлайди. Уларнинг ҳар бири 200 гектар ернинг шўрини кетказа олади.

Янги дренажлар қўриқ ерларни ўзлаштиришда катта иқтисодий фойда келтиради.

Йил охирига борив бундай дренажлар кўплаб ишлаб чиқарила бошланади.

ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КЕНГАШИНИНГ XXV СЕССИЯСИ

БУХАРЕСТ, 27 июль. (ТАСС). Бугун Бухарестда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг XXV сессияси очилди. Сессия ишида Министрлар Советининг Раиси С. Тодоров бошчилигидаги Болгария делегацияси, Министрлар Советининг Раиси Е. Фок бошчилигидаги Венгрия делегацияси, Министрлар Советининг Раиси В. Штоф бошчилигидаги ГДР делегацияси, Министрлар Совети Раиси вазифасини ижро этувчи С. Лувсан бошчилигидаги Монголия делегацияси, Министрлар Советининг Раиси П. Ярошевич бошчилигидаги Польша делегацияси, Министрлар Советининг Раиси И. Г. Маурер бошчилигидаги Руминия делегацияси, Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин бошчилигидаги Совет Иттифоқи делегацияси, ҳукумат раиси Л. Штроугал бошчилигидаги Чехословакия делегацияси иштирок этмоқда.

Сессия ишида иттифоқ ижроия вечаси раиси ўринбосари А. Гличков бошчилигидаги Югославия Социалистик Федератив Республикаси делегацияси ҳам қатнашмоқда.

Сессияда Руминия Социалистик Республикаси Министрлар Советининг Раиси, Руминия Социалистик Республикаси делегациясининг бошлиғи И. Г. Маурер раислик қилмоқда.

РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР ТАКЛИФИ АСОСИДА

Тошкент тўқимачилик комбинатида йил бошидан бери киритилган рационализаторлик таклифларидан 121 тасининг иқтисодий самараси ҳисоблаб чиқилди. Уларнинг умумий миқдори 276,2 минг сўмни ташкил этиши аниқланди.

3-йигирув фабрикаси ишлаб чиқариш цехининг бошлиғи И. Лусинян, ремонт бўлимининг мастери А. Ерёмин, слесарь В. Нестеров, цех бошлиғи Н. Пахмалкиналар пилта илмоқлаш машиналарини такомиллаштиришга 8 минг сўм фойда кўрди.

Комбинат рационализаторлари тўқув фабрикасида калаваловчилар учун махсус кресло-тележка яратдилар. Бу мослама натижасида 20,6 минг сўм фойда олинди. Меҳнат унумдорлиги кўтарилди.

● *Янги лойиҳалар*

ОБОДОНЧИЛИК ЙЎЛИДА

Кўз олдингизга колхоз бозорини келтиринг. У ерда ҳар хил маҳсулотларни сотиш учун алоҳида жойлар тайёрланади, колхозчиларнинг маҳсулотларини сақлаш учун махсус омборлар қурилади. Мева ва сабзавот билан савдо қилувчи деҳқонлар йилнинг иссиқ ва совуқ фаслларида ҳам бемалол ўтириб харидорларга хизмат кўрсатишлари мумкин.

«Ташгипрогор» институтининг лойиҳачилари Чилонзорнинг Марказ кварталида қуриладиган колхоз бозори лойиҳасини тузишда барча қулайликларни ҳисобга олишган. Лойиҳа бош инженери А. Ф. Ануфриев бўлажак бозорда иссиқ иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда колхозчиларга қулайликлар яратишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган.

Бундан ташқари институт лойиҳачилари шаҳарнинг янги Бош плани бўйича қайтадан қуриладиган Богдан Хмельницкий кўчасининг лойиҳасини тайёрлаш юзасидан ҳам иш бошлаб юбордилар.

Тонгги газеталарда

◆ Саккизинчи чақириқ РСФСР Олий Советининг биринчи сессияси кеча эрталаб соат 10 да Москвада, Катта Кремль саройида ўз ишини бошлади.

◆ 1971 йил 28 июлда Совет Иттифоқида навбатдаги алоқа йўлдоши «Молния-1» учирилди.

Алоқа йўлдоши «Молния-1» олис телефон-телеграф радио алоқа системасидан фойдаланишни таъминлаш, шунингдек «Орбита» тармоқларининг чекка Шимол, Сибкрь, Узоқ Шарқ ва Урта Осиё районларида жойлашган пунктларига СССР Марказий телевиденнеси программаларини кўрсатиш мақсадида учирилди.

◆ Мамлакатимизда бўлиб ўтаётган кўпсонли митингларда совет кишилари Суданда коммунистларнинг ва бошқа прогрессив демократик кучларининг таъқиб этилаётганлигига қарши кескин норозилик билдирмоқдалар.

СОПОЛДАГИ СУРАТЛАР

Тошкент керамика заводида тайёрланган бадиий сопол плиткалар харидорлар эътиборини қозонган. Урта Осиёдаги Самарқанд, Бухоро, Тошкент каби қадимий шаҳарлар сурати туширилган бундай плиткалар Монреалда бўлиб ўтган халқаро кўргазмада ҳам кўпчиликнинг диққатини тортган эди.

Яқинда корхона бундай бадиий плиткаларни кўплаб ишлаб чиқаришга киришди. Энди ҳар ойда олти минг дона ҳар хил суратлар туширилган плиткалар тайёрланади.



«Саёҳат» меҳмонхонаси Луначарский кўчасининг ҳуснига ҳусн қўшиб турган замонавий бинолардан бири. Бу йирик маиший объект шаҳримизга келаётган кўп сонли туристларга кўпдан бери хизмат кўрсатмоқда.

СУРАТДА: меҳмонхонанинг кўриниши.

М. Нуриддинов ва В. Кожихин фотоси.

ЙИРИК ИЛМИЙ АСАР

Алишер Навоий номли Республика адабиёт музейининг илмий ходимлари янги-янги асарлар яратишмоқда. Яқинда «Фан» нашриёти музей ходими М. Ҳакимовнинг «Ёзувчи ва халқ тили» монографиясини нашр этди. Бугун эса музейнинг йирик илмий тўплами — «Адабиёт мерос» нашрдан чиқди. Бунда Қўқон, Ленинобод, Хоразм, Боку, Ленинград, Тошкент олимларининг илмий мақолалари, шунингдек, Ҳ. Сулаймоннинг Алишер Навоийнинг шу вақтгача фанга маълум бўлмаган Шоҳ Ғариб Мирзо вафотига ёзган марсияси ҳақидаги мақоласи, музей аспиранти Э. Аҳмадхўжаевнинг Гадоий, А. Шокировнинг Муқимий ижодига оид тўпланган янги маълумотлари, кекса адабиётчилардан Р. Мажидий ва Х. Расулнинг ўзбек адабиётига доир қизиқарли мақолалари бор.

Тўплам профессор М. Юнусов таҳрири остида чиққан.

Бугун—«Ўзбекфильм» киностудиясида

Янги киноленталар

Бу йил «Ўзбекфильм» павильонларидан олти фильм Иттифоқимиз экранларига чиқарилади. Ҳозир улардан бири—режиссёр З. Собитовнинг «Тасодиф оёқ остида» фильми устидаги ишлар поёнига етказилди. Режиссёр У. Назаров бошчилигидаги группа эса «Шиддат» фильмининг охирги кадрларини суратга олиб бўлди. Шу кунларда фильмни мусиқалаштириш ва лентага ёзиш ишлари тугалланмоқда.

Й. Аъзамов режиссёрлигида суратга олинган «Жазирама сўқмоқлар», Саид Аҳмаднинг «Уфқ» романи асосида яратилаётган Ш. Аббосовнинг «Муқаббат драмаси» кинолентаси монтаж қилинмоқда.

К. Яшин асари асосида режиссёр А. Ҳамроев янги фильм яратмоқда. У «Қўрқув билмай» деб аталади. Ижодий группа Оқтошда ва Иссиқкўлда суратга олишга тайёрланмоқда. Самарқандда эса Ҳ. Файзиев «Семург» фильм-балетини лентага туширмоқда. Бу фильм сценарийсини И. Филимонова яратган.

Киностудиянинг «Мультфильм» бўлимида ҳам иш қизғин. Кичкинтой томошабинлар учун битта қўғирчоқ ва битта суратли фильм тайёрланяпти.

● *Диққат, янгилик*

ФИЛЬМ БОШЛАНГУНЧА...

Санъат саройи мухлисларини ажойиб янгилик кутмоқда. Бу ерда «Ўзбеккинодеталь» заводи коллективи томонидан кундуз куни намойиш қилинадиган ҳужжатли фильмлар учун махсус экран монтажи олиб борилмоқда.

Эдиликда, тўмошабинлар бадиий фильм бошлангунча ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмларни кўришлари мумкин. Экран Санъат саройининг биринчи фойесига ўрнатиляпти.

ИККИНЧИ ЎЙИНДА ҒАЛАБА

СССР халқлари V Спартакиадасининг волейболчилар турнирида мукофотли ўринлар учун курашаётган Ўзбекистон ва Украина командалари ўртасидаги учрашув жуда қизиқарли ўтди. Финал турнирининг биринчи учрашувида россиялик волейболчиларга ютқазиб қўйган ўзбек спортчилари бу ўйинни эўр кўтаринки руҳ билан ўтказиб, кучли украиналик рақибларини 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

Республикамиз сув полочилари озарбайжонлик спортчиларга ютқазиб қўйишди. Учрашув натижаси 10:7 Озарбайжон командаси фойдасига.

Ўзбекистонлик учта спортчи Н. Хромов, Р. Рискиев ва Н. Анфимов боксчилар турнирининг ярим финалида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Улар ҳеч бўлмаганда бронза медалларига сазовор бўлишади.

Ярим финал учрашувида Н. Хромов қозоғистонлик боксчи О. Гуровга ютқазиб қўйди. Р. Рискиев эса москвалик В. Лемешевни мағлубиятга учратди. Энди у 75 килограммгача бўлган вазн тоифасининг финалида россиялик спортчи В. Абрамович билан беллашади.

Спортчимиз Сергей Гаранин 1500 метрга сузишда ўспиринлар ўртасида мамлакатимизнинг янги рекордини ўрнатди. Львов шаҳрида бўлиб ўтган мусобақада Гаранин бу масофани 17.08,8 секундда сузиб ўтиб, олтин медалга сазовор бўлди.

Ўзбекистонлик яна бир ёш сузувчи Наташа Холанко эса кумуш медаль билан тақдирланди. У 400 метр масофага комплекс сузишда 5.36,2 секунд натижа билан иккинчи ўринни эгаллади. Республикамизнинг яна бир вакили Индира Абдулова 200 метрга чалқанча сузишда бронза медали билан тақдирланди. Унинг бу масофада кўрсатган натижаси — 2.35,9 секунд.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

◎ САНТЪЯГО. Чили Халқ бирлиги ҳукумати яна юзта помешчикнинг умумий майдони 50 минг гектардан зиёд бўлган ерини экспроприация қилиш тўғрисида қарор чиқарди.

Қишлоқ хўжалиги министри Жак Чончолнинг айтишига қараганда, помешчикларнинг ерларини олган деҳқонларга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатилди.

◎ БОНН. Бавариядаги Пфорцгейм шаҳри аҳолисидан бир неча юз киши янги фашист национал демократик партия тўдаларига қарши норозилик намойишида иштирок этди.

Намойишчилар янги фашистларнинг раҳнамоси фон Тадден ўз тарафдорлари ҳузурида урушга даъват этувчи нутқ сўзлаб турган зал биносини қуршаб олдилар. Бинони муҳофаза қилиш учун полициячилардан бир неча ўнлаб кишилар жалб қилинди.

◎ ЛОНДОН. Рейтер агентлиги хабар беради: Озодлик армиясининг жангчилари Сайгондан 48 километр нарида жойлашган йирик Америка базаларидан бирида тўртта Америка вертолётини портлатиб юборди лар.

◎ БУДАПЕШТ. Венгрия касаба союзлари кенгаши ўзининг баёнотида Судан касаба союзлари Федерациясининг бош секретари Шафиъ Аҳмад Аш-Шайх қатл этилганлиги муносабати билан даргазаб бўлганлигини изҳор этиб, қамоққа олинган касаба союз раҳбарларининг озод этилишини талаб қилди.

◎ ҚОҲИРА. 28 июль (ТАСС). Кеча Хартум ҳарбий трибуналида Судан Коммунистик партиясининг Бош секретари Абдил Холиқ Маҳжубнинг иши кўрилди. Маҳжуб қўйилган айбларнинг ҳаммасини рад этди.

Омдурман радиоси трибунал Судан Коммунистик партиясининг Бош секретари осиб ўлдиришга ҳукм қилинганлигини билдирди. Генерал Нумайрий ҳукмни тасдиқлади. Бугун эрталаб ҳукм ижро этилди.



ЧССР. Дунай дарёсининг Братислава райони устида янги кўприк қурилмоқда. Бир таянчга ўрнатиладиган кўприкнинг барча ҳисоблаш ишлари «Минск» электрон машинасида ҳисоблаб чиқилган. Эни 21 метр ва узунлиги ярим километрга яқин бўлган кўприкнинг устки қаватидан машиналар ҳар икки томонга тўрт қатор бўлиб ўтиб туради. Пастки қавати йўловчилар учун мўлжалланган.

СУРАТДА: кўприк қурилиши.

● *Ўй тўйлари*

КЎРКАМ БИНО

«Шимол» массивидаги ўн қаватли уй массивда 96 квартирали тўрт қаватли уй фойдаланишга топширилди. Бинони қуришда 159-трестнинг 26-қурилиш бошқармаси бинокорлари жонбозлик кўрсатдилар.

Кўркам бу бинода аҳоли яшаши учун барча қулайликлар яратилган.

ҚУРУВЧИЛАР ТУҲФАСИ

Пойтахтимизнинг «Марказ-6» кварталида йил сайин кўплаб турар-жой бинолари қурилиб, ҳамшаҳарларимиз ихтиёрига топширилмоқда. Бу ердаги умумқурилиш ишларини 159,153-трест бинокорлари олиб боришяпти.

Куни-кеча шу ерда 56 квартирали кооператив турар-жой бинолари фойдаланишга топширилди. Ҳадемай яна бир шинам бино 56 оилани ўз бағрига олади.

Шинамгина қурилган бу уйларга пардозлаш трестига қарашли 11,31-бошқарма сайқалчилари пардоз бердилар.

Ёш матбаачилар

Куни кеча Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг аҳил коллективи сафига 40 ёш матбаачи қўшилди. Улар 9-полиграфия билим юртида ҳарф теручи, муқовачи, линотипчи касбларини эгаллаган йигит-қизлардир.

Ёш ишчиларни тантанали кутиб олиш маросимида нашриёт партия ташкилотининг секретари Т. Исҳоқов табрик нутқи сўзлади.

Нашриёт директори Ўринбосари Ф. Абдураҳмонов, цех бошлиғи Т. Музаффаров, бош механик Ю. Ёқубов ва бошқалар ёш ишчиларни самимий табриклашди.

Турли маршрутлар бўйлаб

Ёз — энг саёҳатларга бой фасл. Ҳар ким ҳам ўз меҳнат отпускасини қувноқ ўтказгиси, ўзи кўрмаган жойларни кўргиси келади. Тошкент шаҳар экскурсиялар ва саёҳатлар бюроси турли маршрутлар бўйича сафарлар уюштириб, ам олувчилар учун қулай имкониятлар яратяпти.

Бугун

у ердан олинган хабарга қараганда, шу йилнинг олти ойи мобайнида Енисей ва Волга дарёлари бўйлаб қилинган сафарда ўзбекистонлик уч ярим минг киши қатнашган. Шаҳарликлардан эса 75 минг киши Чорвоқ, Хумсон, Бурчмулла, Мовий Қўллар дам олиш зоналарида, Иссиққўл, Қайроққум сув омбори соҳилларида ҳордиқ чиқарган.

Саёҳатлар маршрутини янада кенгайтириш кўзда тутилмоқда. Сентябрь ойида «Ўзбекистон» поезди иттифоқимиз шаҳарлари бўйлаб, Болтиқбўйи республикаларига саёҳатга чиқади. Ноябрь—декабрь ойларида эса бундай сафар қаҳрамон шаҳарлар ва қадимий рус шаҳарлари бўйлаб ўтказилади. Бу саёҳатларда бир минг бир юз киши қатнашиб, кўнгилли дам олади.

«О1» ЭШИТАДИ

7 августда «Победа» маданият ва истироҳат богида ўтказиладиган Киров район ўт ўчириш командаларининг анъанавий байрами шундай деб аталади.

Байрамда ўт ўчириш машиналарининг янги нусҳалари, ёнғинга қарши ибратли тадбирларни амалга ошираётган бир неча корхоналарнинг тажрибалари, ютуқлари намойиш қилинади.

Ўша куни ўт ўчириш командаларининг мусобақаси ҳам уюштирилади.

Шунингдек, ўт ўчириш командаларида узоқ йиллар ишлаган ветеранлар билан учрашув ўтказилади.

Партия турмуши

ҲАЁТ ТАҚОЗОСИ

Ҳозир партия ташкилотлари, барча коммунистлар олдида ҳар қачонгидан ҳам муҳим ва улкан вазифалар турибди. КПССнинг тарихий XXIV съезди янги беш йилликда мамлакатимизда амалга ошириладиган буюк сиёсий ва хўжалик вазифаларини белгилаб берди. Бу вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши биринчи галда ишлаб чиқаришга партия раҳбарлигини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Мухбиримиз яқинда пойтахтимиздаги Фрунзе район партия комитетининг иккинчи секретари А. ХОЛТОЕВ билан суҳбатлашиб, район партия комитети ишлаб чиқаришни янада юксалтириш борасида қандай тадбирларни амалга ошираётганлиги тўғрисида гапириб беришни илтимос қилди. Ўртоқ А. Холтоев қуйидагиларни ҳикоя қилади.

Мамлакатимиз ҳаёти ва халқаро коммунистик ҳаракатда буюк воқеа ҳисобланган КПСС XXIV съезди партия ва халқимизнинг ўтган беш йиллик фаолитига якун ясаб, СССРда коммунистик қурилишнинг янги вазифалари ҳамда уни амалга ошириш йўлларини аниқ белгилаб берди.

Съезд томонидан қўйилган бу улкан снёсий ва хўжалик вазифаларини ҳал этиш партия, совет ва хўжалик раҳбарлари, ҳар бир меҳнаткашнинг юксак масъулиятни ҳис қилган ҳолда ишлашини талаб қилади. Маълумки, тараққиётимизнинг ҳозирги шароитида раҳбарлар учун биргина ишлаб чиқариш технологиясини билишнинг ўзигина кифоя қилмайди. Улар ташкилотчилик қобилиятига ҳам эга бўлишлари, экономиканы, назарияни ва практиканы, бошқарув ишини чуқур эгаллаган бўлишлари зарур.

Хўжалик қурилишига партия раҳбарлиги, бу жуда мураккаб иш. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съездига ҳисобот докладида таъкидлаб ўтганидек, халқ хўжалигининг жуда катта миқёслари, иқтисодий имкониятлар ошиб кетганлиги ва ижтимоий эҳтиёжлар бутун хўжалик ишимизнинг даражасини жиддий равишда оширишни экономиканинг самарадорлигини анча юксалтиришни бизнинг олдимизга мўлжам вазифа қилиб қўймоқда.

Шу туфайли ҳам район партия ташкилоти ўз фаолиятида асосий диққат-эътиборни кўпроқ жамоат ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишга қаратмоқда. Сўнгги даврга келиб райком бюроси, пленум ва актив йиғилишларида кўрилаётган масалалар доираси тубдан ўзгарди. Уларда ҳокама қилинган масала экономиканы юксалтириш соҳасидаги энг муҳим проблемалар алоҳида ўрин тутмоқда. Жумладан, район партия комитети бюроси мажлисларида «Ўзбеккинотеатр», 1-темир-бетон буюмлари заводларида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, абразив комбинати, экспериментал-механика заводи бошланғич партия ташкилотларининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш борасидаги фаолиятлари. Тошкент тўқимачилик комбинати ҳамда «Ўзбекистон» кўнчилик бирлашмаси партия ташкилотларининг техника тараққиётини ривожлантириш комплекс планларини амалга ошириш соҳасидаги иши тўғрисидаги масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Шунингдек, яқинда ўтказилган райком бюросида «Таштекстильмаш» заводи партия комитетининг «КПСС XXIV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXIV съезди қарорлари муносабати билан илмий-техника тараққиёти суръатини ошириш тўғрисидаги» ҳисоботи ҳам тингланди.

Экономиканинг муҳим проблемаларига бағишланган масалалар бошланғич партия ташкилотларида тез-тез муҳокама қилинадиган бўлиб қолди. Жумладан, Ленин орденли «Таштекстильмаш» заводи партия комитетининг мажлисларида, умумий партия йиғилишларида сўнгги йилларда корхонада техника-иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишига қаратилган, янги техникани ишлаб чиқаришга жорий этиш, маҳсулот сифати, планларнинг бажарилиши каби масалалар 32 маротаба кўриб чиқилди.

Бироқ гап у ёки бу масалани муҳокама қилишнинг ўзидагина эмас, албатта. Балки, уларни ҳал этишга қандай ёндошилаётганидадир. Мухокама қилинган масала юзасидан қабул қилинган қарорларнинг ижросини текшириш эндиликда катта аҳамият касб этмоқда. Биз бу ишга тажрибали партия ходимлари, мутахассислар, олимларни кенг жалб этмоқдамиз.

Район партия ташкилоти ва бошланғич партия ташкилотларининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш техника тараққиёти соҳасидаги доимий ташкилотчилик фаолияти яхши натижалар бераётир. Беш йил ичида район бўйича меҳнат унумдорлиги 25 процент, рентабеллик эса 3, 4 марта ўсди. Биргина маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини камайтириш эвазига 600 минг сўмдан кўпроқ маблағ тежаб қолинди.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда илмий техника ва иқтисодий конференцияларнинг роли ҳам катта бўлаётир. Шу туфайли ҳам район партия комитети бу масалага алоҳида эътибор бермоқда. Сўнгги икки йил ичида «Мусобақани қандай ташкил этиш керак?», «Ички резервлардан фойдаланиш — ишлаб чиқариш самарадорлиги ва хўжалик ислоҳотини амалга оширишнинг негизидир», «Ҳозирги шароитда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўллари» каби тема ларда кўплаб иқтисодий конференциялар ўтказилди. Бу конференцияларда хўжалик раҳбарлари, инженерлар, ишчилар доклад қилишди. Уларни тайёрлашга эса илмий ходимларнинг катта активи кенг жалб қилинмоқда.

Районда техника-иқтисодий пропагандаиинг турли хил усулларидан самарали фойдаланилмоқда. Ҳозир олтмиш халқ университети, 82 коммунистик меҳнат ва илғор ишлаб чиқариш тажрибалари мактаби, иқтисодий билимлар асосини ўрганувчи 140 та мактаб ва 62 иқтисодий-ахборотчилар ишлаб турибди. Буларда раҳбар ходимлар— корхоналарнинг директорлари, бош инженерлари, бўлим бошлиқлари, олимлар «Сайқизинчи беш йиллик якунлари ва янги беш йиллик вазифалари тўғрисида» мунтазам докладлар билан чиқмоқдалар.

Район партия комитетининг тавсияси билан кўп нусхали «Голос текстильщика», «Обувщик», «Машиностроитель», «Тўқимачилар овози» газеталари, деворий газеталар ва маҳаллий радио тармоқларида «КПСС XXIV съезди қарорларини амалга оширамиз», «Иқтисодий ислоҳот амалда», «Инсон ва ислоҳот» рубрикалари остида доимий материаллар бериб борилмоқда.

Ҳозир Фрунзе ва Сергели районларидаги 26 корхона планлаштириш ва моддий рағбатлантиришнинг янгича системасида ишлаб, жами маҳсулотнинг 90 процентини етказиб бермоқда. Тажриба, бу метод ҳар томонлама афзал эканлигини кўрсатди.

Мана, биргина 2-тикувчилик фабрикасини олиб кўрайлик. Бу ерда бошланғич партия ташкилоти тадбиркорлик билан оқилона иш юритаётганлиги туфайли ҳам кам ҳаражат қилиб ,кўп маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Меҳнат унумдорлиги ҳозирги кунга келиб 170,4 ишлаб чиқариш ҳажми 141 процентга ўсди, фойда олиш эса 5 баравар кўпайди. Фабрика тўрт хил маҳсулот тури бўйича «Давлат сифат белгиси»ни олди.

Умуман олганда, ҳар иккала район бўйича янги иқтисодий ислоҳот ва бошқа тадбирларни амалга ошириш натижасида 14 миллион сўмдан кўпроқ шартли иқтисодий фойда олинди.

КПСС XXIV съезди ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети II пленуми қарорлари ишлаб чиқаришга партия раҳбарлигини янада яхшилаш, ҳар бир коммунистнинг иш услубини янада такомиллаштириш, масъулиятини ошириш вазифасини қўйди. Район партия ташкилоти, барча коммунистларимиз бутун куч ва ғайратларини ҳаёт тақозо этган ана шу улкан вазифаларни бажариш учун сафарбар қиладилар.

Фабрикаиинг илғор ишчиси Ш. Юсупова шогирди М. Шарипованинг ишини кузатаётир.

Корхонада М. Жўрабоевани ҳамма ҳурмат қилади. Чунки у ўзининг ҳалол меҳнати билан кўпчилик ҳурматини қозонган. М. Жўрабоева ҳозир 1972 йил ҳисобига меҳнат қилаяпти.

Ҳ. Шодиев фотолари.

Халқ истеъмоли буюмларига кенг йўл

Директивалардa белгиланган...

ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДА

КПСС XXIV съезди Директиваларида совет ҳалқининг моддий фаровонлигини янада яхшилаш, кишиларимизнинг енгил саноат буюмларига бўлган талабларини тўла қондириш кўзда тутилган. Директиваларда тўққизинчи беш йилликда «...кийим-кечалар ишлаб чиқаришни 1,4 баравар... кўпайтириш, шунингдек тикувчилик ишлаб чиқаришда ғоят серунум, комплекс механизациялаштирилган поток линияларини кенг қўламда жорий этиш» қайд қилиб ўтилган.

Шаҳримиздаги 3-тикувчилик фабрикасининг механизациялаштирилган партиямиз XXIV съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш учун курашиб, халқимизга бежирим либослар тикиб беришни янада авж олдираяптилар.

Фабрика коллективи маҳсулот сифатига ва материалларни тежамкорлик билан ишлатишга асосий эътиборни қаратмоқда. Шунинг натижасида ярим йилда тайёрланган барча маҳсулотнинг 94,4 проценти биринчи сортларга қабул қилинди.

Фабрикада асосан хотин-қизлар кўйлаги, кичик ёшдаги болалар учун кийимлар ва мактаб ўқувчиларининг формалари тикиб чиқарилаяпти. Хотин-қизлар кўйлаги тикилаётган 3-цехда 150 дан ортиқ тикувчи меҳнат қилади.

Цех чеварлари тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йилида ҳам меҳнатда ажойиб натижаларни қўлга киритмоқдалар. Уларнинг фидокорона меҳнати туфайли ярим йиллик план муддатидан илгари — беш ойда 102,2 процент қилиб бажарилди ва пландан ташқари 4 минга сифатли маҳсулот тайёрланди. Бунга Муқаддам Собирова, Шарифа Юнусова, Маҳбуба Жўрабоева, Гулчеҳра Орипова каби илғор тикувчиларнинг қўшган ҳиссалари катталир.

Кўйлакларни тез ва сифатли тикишда, айниқса, Маҳбуба Жўрабоева алоҳида намуна кўрсатиб ишлаяпти. Маҳбубахон цехнинг энг илғор ва энг тажрибали тикувчисидир.

Маҳбубахон Жўрабоева беш йиллик планни уч ярим йилда бажаришни кўзда тутган. Ҳозир у ҳар сменада 180-200 тадан кўйлак тикиб, 1973 йил ҳисобига меҳнат қилаётир.

Меҳнат кишини улуғлайди- дейди халқимиз. Ҳақиқатан ҳам шундай! Маҳбубахон ўзининг кўпйиллик шарафли меҳнатлари эвазига 1966 йилда «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирланди.

Маҳбубахон билан ёнма-ён туриб меҳнат қилаётган Шарифахон Юсупова ҳам моҳир тикувчилардан бири. Бу тикувчиии цехда ҳамма ҳурмат қилади. Шарифахон кўйлакларни хушбичим, тез ва сифатли қилиб тикишда 3-цехдагина эмас, балки фабрикада ҳам ном қозонган тикувчи...

Шарифахоннинг корхона даргоҳига келганига 15 йилдан ошди. У ана шу давр ичида тикувчилик сирларининг ипидан-игнасигача ўрганди. «Моҳир ва илғор» тикувчи деган номга эга бўлди. Ўз касбини сидқидилдан севган Шарифахон актив жамоатчи ва ташкилотчи ҳамдир.

Тиниб-тинчимас, изланувчан Ш. Юсупова сменада 180-200 тадан кўйлак тикиб олиш ва квартал планларини ҳамиша ортиғи билан адо этмоқда.

Коммунистик меҳнат зарбдори Ш. Юсупованинг меҳнатларини партия ва ҳукуматимиз муносиб тақдирлаб келмоқда. Яқинда у «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени билан мукофотланди. Бугун кечагидан, эртага бугунгидан самаралироқ ишлаётган Шарифахон Юсупова ҳозирги кунларда тўққизинчи беш йилликнинг учинчи йили ҳисобига меҳнат қилаётир.

Беш йиллик меҳнат вахтасида туриб ишлаётган Зуҳра Аҳмедова, Маъфурат Рўзиева каби чеварлар сентябрь ойи ҳисобига ишлаяптилар.

Цехда тикилаётган кўйлакларнинг барчаси юқори сортларга топширилаётир. Тикилаётган кийимларнинг сифатини текшириш, дазмоллаш ва хилларга ажратиб тахлаш ҳам жуда муҳимдир. Ана шу вазифаларни бажараётган Инобат Йўлдошева, Сайёра Пўлатова, Саврихон Йўлдошева ва Ойниса Тоирровалар сидқидилдан меҳнат қилишяпти.

Фабриканинг Р. Юсупова бошчилик қилаётган 2-цехида эса мактаб болалари учун формалар тикилади. Цехда шу кунларда иш янада қизитиб юборилди.

Цех коллективи тўққизинчи беш йиллик топшириғини тўрт йилу ўн ойда бажариш мақсадида ғайратга-ғайрат қўшиб меҳнат қилаяпти.

— Фабрикамиз тикувчилари, — дейди корхона партия ташкилотининг секретари М. Солиев, —1971 йилги етти ойлик планни муддатидан олдин ортиғи билан бажардилар. Тайёрланган маҳсулотимизнинг 94,4 процентти биринчи сортларга қабул қилинганлиги ишчиларимизнинг аъло меҳнати маҳсулидир. Ўтган вақт ичида фабрикамизда 7 минг метрдан ортиқ материал тежаб қолинди ва бундан 3900 дона кичик ёшдаги болалар кийимлари тикилди.

Фабрика коллективи 1971 йилги давлат планини ноябрь ойида ва беш йиллик топшириқни тўрт йилда бажариш учун курашиб, иш суръати ва ғайратни тобора оширмоқда.

Н. ОЧИЛОВ,
Б. МУҲАММАДИЕВ.

Энергетика блокини тўхтатмай

Бундан буён истеъмолчига электр энергия беришни тўхтатмай туриб иссиқлик электр станцияси энергетика блоки бошқарувчи аппаратларнинг қанчалик тўғри ишлашини текшириб кўриш мумкин. Бутуниттифоқ релесозлик илмий тадқиқот институти Тошкент бўлимининг Москвадаги «Теплоэнергопроект» институти билан ҳамкорликда яратган шчит қурилмалари комплекти ана шу ишни бажариш имконини беради.

Янги асбоб-ускуналар В. И. Ленин номидаги Шатура ГРЭСида монтаж қилинаётган икки юз минг киловатт қувватли биринчи энергетика блоки учун мўлжалланган. ГОЭЛРО планига биноан қурилган ва ҳозир қайтадан ёшартирилаётган ана шу иссиқлик станцияси адресига Тошкентдан жами ана шундай қурилмалардан уч комплекти жўнатилади. Уларни ясашда биринчи марта ихчам реле аппаратларидан фойдаланилди. Бу эса ҳар бир комплект таркибига кирувчи электр шкафларни тўрт баробар камайтириш имконини берди.

(ЎзТАГ).

Жонажон республикамизда

ТРИКОТАЖ САНОАТИНИНГ ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАРИ

Кўқондаги пайпоқ тўқиш-ип йигириш комбинатида давлат банкидан олинган қарз ҳисобига қурилган болалар колготкаси ишлаб чиқарувчи янги цех ишга туширилди. Бу цех ана шу камчил маҳсулотни ишлаб чиқаришни корхонада деярли уч баробар кўпайтириш имконини беради. Тошкентдаги устки трикотаж фабрикасида ҳам ана шундай хўжалик усули билан янги тўқув цехи барпо этилди.

Шу беш йилликда республика трикотаж саноатининг иккита йирик корхонаси қурилади. Бекобод ва Кўқонда ички ва устки трикотаж ишлаб чиқарувчи фабрикалар қуришга киришилмоқда. Самарқанд ва Бухорода янги бўяш цехи барпо этилади. Республикада энг катта Тошкент трикотаж фирмаси реконструкция қилинади.

Қўшимча қувватларнинг ишга туширилиши натижасида 1975 йил охирига бориб республикада пайпоқ тўқиб чиқариш 6,8 миллион жуфт, ички ва устки трикотаж ишлаб чиқариш эса йигирма миллион донадан ортиқ миқдорда кўпайтирилади.

(ЎзТАГ).

ДАШТДА ЯНГРАГАН ҚЎШИҚЛАР

Гулистон ВЦСПС билан ВЛКСМ Марказий Комитетининг ёшлардан иборат агитбригадаси Сирдарё области шаҳарлари ва ишчи посёлкаларидаги гастролларини тугаллади. Агитбригада составига Саратов Давлат университети ҳаваскорлик клубининг қатнашчилари кирган эди.

Волгаликлар ўн кун давомида чўлқувварларнинг азиз меҳмони бўлишди. Уларнинг «Пахтакор» совхозида, Мирзачўлнинг марказий қисмини ўзлаштираётган азаматлар яшовчи посёлкалар — Ержар ва «Дўстлик»да берган концертлари зўр муваффақият билан ўтди. Сирдарё ГРЭСи қурувчилари ҳаваскор артистларни самимий кутиб олдилар. Жиззахдаги бинокорлик материаллари комбинатининг Маданият саройида меҳмонлар якунловчи концерт қўйиб бердилар.

ЯНА БИР ДАМ ОЛИШ ЗОНАСИ

Андижон. Янги «Ширмонбулоқ» туристлар базаси дам олувчиларни қабул қила бошлади. База Жанубий Фарғона каналининг соҳилида жойлашган. Туристлар тўрт юз ўринли палаткали шаҳарча, ресторан хизматидан фойдаланишлари мумкин. База яқинида кўркам даралар, «Ленинизм» колхозининг тоғдаги ботаника боғи бор.

Биринчи дам олувчилар орасида Челябинск, Барнаул, Тюмень шаҳари вакиллари бор. База дам олиш кунлари Андижон, Ленинск шаҳарларининг ишчи ва хизматчиларини ўз қучоғига чорлайди.

Сирдарё области. Академик Р. Р. Шредер номидаги узумчилик ва виночилик институтининг Жиззахдаги мевали дарахт кўчатлари совхози бу йил область хўжаликларига ярим миллиондан зиёд тоқ ва 180 минг дона мевали дарахт кўчатларини етказиб берди. Совхознинг ниҳоли юз гектар майдонни эгаллаган боғида эса мевали дарахтлар шиғил ҳосилга кирган.

СУРАТДА: совхознинг пешқадам ишчиси, комсомол аъзоси Бўрингул Бердимуродова.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

ДЎСТЛИК КЎЧАЛАРИ

Шаҳар Совети ижроия комитетининг қарорига биноан Руставидаги янги қурилишлар районининг бир кўчаси Тошкент номи билан аталди. Ўзбекистон пойтахти бошига тушган мусибатли зилзила кунларида уй-жойларидан маҳрум бўлган кўпгина тошкентликлар шу кўчада яшаган эдилар. Уларнинг баъзилари грузин металлургларининг шаҳри билан абадий дўст бўлиб қолди.

Рустави — кўп миллатли шаҳар. Унда 40 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Донецк металлургларининг кўчаси шаҳарнинг энг кўркам магистралларидан бирдир. Бу ном грузин йигитлари пўлат қуйиш ва қувур ясаш сирларини украиналик усталардан ўрганмоқ учун Донбассга борган йилларини эслатади.

Сумгаит металлургларининг кўчаси Грузия ва Озарбайжон халқлари ўртасидаги қадимий ва мустаҳкам қардошлик алоқаларини ифодалайди.

Ана шу магистралларнинг ҳаммаси СССР халқлари дўстлиги майдонига бориб туташади.

(ТАСС).

«Главташкентстрой» 10-автотранспорт колоннасининг шофёрлари уйсозлик комбинатлари тайёрлаётган материалларни шаҳарнинг турли қурилишларига етказиб беришади. Сиз мана бу суратда автоколоннанинг илғор шофёри Юнир Губайдулинни кўриб турибсиз. Бу транспорт аълочиси ўзининг смена ва ойлик топшириқларини мунтазам равишда ортиғи билан адо этаяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

● СТУДЕНТЛАР МЕҲНАТ СЕМЕСТРИ

Турли объектларда

Тошкент темир йўл транспорти техникуми студентлари меҳнат семестрини турли қурилиш объектларида ўтказишмоқда. Студентларнинг катта группаси шу кунларда темир йўл қурилишларида фаол иштирок этишяпти.

Яқинда техникум талабаларидан бир группаси Тошкентдаги трамвай-депоси ихтиёрига юборилди. Улар трамвай йўллари қурилишида қатнашадилар.

● РЕДАКЦИЯГА ХАТ

МАГАЗИН ЭМИШ...

Сарлавҳани ўқиб ҳайрон бўларсиз, азиз газетхон! Ҳайрон бўлманг. Ҳа шундай! Тошкент шаҳар Октябрь райпишчеторгига қарашли 30-магазин 17-трамвайининг энг охирги бекати — Бешқайрағоч массивига жойлашган. Бу магазиндан Акмал Икромов номли маҳалла аҳолиси харид қилади. Мудири бор — Бахтиёр Кудратов. Лекин аҳолига хизмат қилиш даражаси қандай деб сўрасангиз аҳоли бундай жавоб беради:

— Нон ўз вақтида келмайди. Нон пойлаб кунимиз ўтади. Охири тоқатимиз тоқ бўлгач, қўшни маҳаллалардаги магазинларни қидириб қоламиз.

Сут эса магазин тарихида бир марта келтирилган. У ҳам бўлса, ўтган йили «Тошкент оқшомида, «Бешқайрағоч ташвишлари» номли танқидий мақола босилган кунининг эртасига. Шу-шу сут сувга уриб кетди. Одамлар «Кўкча» бозоридан олиб келишади, сут-қатиқни. Октябрь райпишчеторгининг раҳбарлари бу масалага қандай қарар эканлар?! Эҳтимол баҳонаи-сабаблар қидириб топишар.

Болалар учун гречневая, манная кашалар ва бошқа концентратлар йўқ.

26 тийинлик ун келса, қоплаб сотиб тезроқ кутилишади.

Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр, деганларидек, бирон мол танқисроқ бўлиб қолса, бу магазинда мутлақо узилиб қолади.

Шу кунларда сабзавот гарқ пишган вақти. Лекин бу магазинда 18 июль куни, ташлаб юбориш даражасидаги бужмайиб, қуруқшаб кетган муштумдай-муштумдай қарам-у соққадай-соққадай сўлиган картошкадан бошқа ҳеч нарса йўқ эканлиги маълум бўлди.

Магазин пастдаккина йиғма темир панжаралардан қурилган. Моллар дўкон торлигидан тиқиниб ётибди. Бу илғари «Ташплодоовощторг»нинг сабзавот дўкони эди. Октябрь райпишчеторгига ўтгач, амаллаб вақтинчаликка озиқ-овқат маҳсулотларни сотишга мослаштиришган. Мол сақлайдиган складлар ниҳоятда тор .Сиғмай қолган молларни хонадонларда сақлашади.

Маҳалла аҳолисига Тошкентнинг ҳуси жамолига муносиброқ магазин қуриб бериш лозим.

Бу масалада маҳалла комитетининг раиси Латиф Ҳамидов Октябрь райпишчеторгининг собиқ директори ўртоқ М. Қодировга учрашганда, у киши «Жой йўқ. жой топиб, план қилдириб келинг, биз яхши дўкон қурдириб берамиз», деган экан. Латиф Ҳамидов «Отангга бор, онангга бор» билан охири, ГлавАПУдан 21 май 1970 йилда план қилдириб келса директор «пул йўқ» деб, эшикни ёпибдилар. Яқинда яна ўртоқ Л. Ҳамидов райпишчеторгга мурожаат қилса, М. Қодиров бўшаб кетибди. Директор ўрнибосари ўртоқ Борис Самойловга учрашса: «Дўкон қуриб бермаймиз, қўлингдан келса ёптириб қўй!» деб, ваваламатлик қилибди.

Бу бедодликка ким жавоб беради!

Ҳ. МУҲАММАДАЛИЕВ.

2-бет. Тошкент оқшоми

29 ИЮЛЬ, 1971 Й.

Шаҳар—қишлоққа

ПАХТАКОРЛАР УЧУН

Шаҳримиздаги «Средазэнергоцветмет» ишлаб чиқариш корхонасининг коллективи пахта қуритадиган қудратли агрегатлар ишлаб чиқаришни тобора кўпайтирмоқда. Чунки, ҳадемай пахтакорлар учун масъулиятли дамлар бошланади. Дала хирмонларидаги «оқ олтин»ни вақтида йиғиштириб, пахта қабул қилиш пунктларига топшириш керак. Ана шундай пайтларда корхонада тайёрланган қуритиш агрегатлари деҳқонларга ниҳоятда қўл келади.

Шуни тўғри тушунган корхона ишчилари 1971 йил топшириқларини бажариш учун курашиб, ўтган давр мобайнида меҳнатда яхши натижаларни қўлга киритишди.

Ишлаб чиқариш корхонасининг коллективи КПСС Марказий Комитети июль (1970 йил) Пленуми қарорларини амалга ошириш учун курашиб, оталиқ ёрдамини ҳам кучайтирмоқда. Улар Сирдарё область Дўстлик районидаги 12-совхозга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Куни кеча эса корхонанинг «СТАМК—2» маркали агрегати деҳқонларга жўнатилди. Бу қуритиш агрегати совхоз меҳнаткашларининг оғирини енгил қилади.

МАДАНИЯТИМИЗ ТАРИХИДАН

Байрамхон

XVI асрда Ҳиндистонда яшаб форсий ва туркий тилларда шеърлар ижод этган Муҳаммад Байрамхоннинг номи ҳозиргача ўзбек ўқувчиларига номаълум бўлиб келмоқда.

Байрамхон ҳозирги пайтда илмий жамоатчиликка аввало давлат арбоби ва саркарда сифатида, сўнгра шоир сифатида маълумдир. Лекин кейинги йилларда шоирнинг ижоди ҳақида юритилган мулоҳазалар, бошқа ҳислатларини камситмаган ҳолда, унинг адабий мероси ҳам алоҳида эътиборга сазовор эканини кўрсатмоқда.

Байрамхон ҳаётининг ёшлик ва ўсмирлик даври ҳақида маълумотлар жуда оздир.

Етарли даражада аниқ бўлмаган маълумотларга кўра, у 1500—1505 йиллар орасида Бадахшмон (Афғонистон)да (айрим олимлар фикрича Газнида) туғилди. Келиб чиқиш томондан, у аслида, туркманларнинг бахарлу уруғига мансубдир.

Байрамхон отасидан ёшлигида етим қолиб, Балхда яшовчи қариндошларининкида тарбияланди ва шу шаҳарда таҳсил кўрди. У таҳсил билан бир вақтда от чопиш, қиличбозлик, ўқ отиш каби ҳарбий машқлар билан ҳам кўп шуғулланади. Натижада, ҳам равшан фикрли билимдон, ҳам ботир жангчи сифатида шуҳрат қозонди.

Манбаларда кўрсатилишича, у 16 ёшидаёқ шу даврда Бадахшон ҳокими бўлмиш Бобирнинг катта ўғли шаҳзода Ҳумоюн хизматига киради. Тез орада шаҳзода ботирлиги ва зийраклиги билан ном чиқарган Байрамхонни ўз яқинлари доирасига олади.

Шу даврдан бошлаб унинг ҳаёти Ҳиндистонда Муҳаммад Бобир асос солган Бобурийлар салтанати ҳаёти билан чамбарчас боғланиб кетади.

1530 йил Бобир вафотидан сўнг Ҳумоюн Деҳли тахтига ўтирди. Тахтни ҳимоя қилиш учун олиб борилган курашларда ҳам, 1540—1545 йилларда Ҳумоюн тахтдан ажралган пайтда ҳам, 1545—1554 йилларда Афғонистонда (аввал Қандаҳорда, сўнг Кобулда) ўз ҳукмронлигини қайта ўрнатган даврда ҳам, Байрамхон подшоҳ билан бирга бўлди ва унга садоқат билан хизмат қилди.

Байрамхон Ҳумоюн сиймосида маърифатли, оқил ва адолатли султонни кўрарди. Шунинг учун ҳам у Ҳумоюн мадҳига бағишланган асарларининг бирида:

«Хисрави одил Ҳумоюн ул шоҳи одил, ки даҳр
Барча оламдин анинг отига айлар ифтихор» деб ёзади.

Хизматлари эвазига Байрамхонга «хони хонон» (яъни «хонларнинг хони») деган юксак унвон берилди.

1555 йилдан бошлаб биз Байрамхонни яна уруш майдонида кўрамиз. Уша йили у афғончаларнинг Деҳлидаги сўнгги шоҳи Искандар билан катта жангда тўқнашади ва ўзининг бутун ҳарбий маҳоратини ишга солиб, унинг 80 минг кишилик армиясини енгади. 1556 йил Искандар билан иккинчи марта жанг қилиш учун отланди. Байрамхон ўзи билан бирга шу йил унинг тарбиясига берилган ёш шаҳзода Акбарни ҳам олиб кетади. Лекин улар Панжобга етганда, Ҳумоюннинг бахтсиз ҳодиса натижасида ўлгани ҳақида хабар келади.

Шу ернинг ўзида (яъни, Панжобда) Байрамхоннинг ташаббуси билан шаҳзода Акбар подшоҳ деб эълон қилинади. Шундан сўнг, у «отолиқ» (регент) сифатида деярли тўрт йил давомида империяни ўзи бошқаради.

Баъзи манбалардан маълум бўлишича, император унга нисбатан катта ҳурмат билан муносабатда бўлган. Акбар унга «ёри вафодор» (вафоли дўст) ва «хон бобо» деб мурожаат қилгани ҳам шуни кўрсатади.

Байрамхоннинг бундай нуфузга эга бўлиши ҳукмрон доираларни, айниқса, подшоҳ оиласини ташвишга солмай қолмас эди. Шу сабабли, император доирасидаги кишилар Байрамхонни турли нарсаларда айблаб, унга чақабошладилар. Жумладан, унинг тахтни тортиб олиш ниятида эканлигини Акбарга уқтира бошладилар.

Натижада, 1560 йилда Байрамхон ўз вазифасидан четлатилди. Манбаларда, жумладан, тарихчи Бадоуниийнинг «Мунтахаб-ул-таворих» номли асарида Байрамхоннинг бу ишдан қаттиқ норози бўлгани, таъқиб этилгани ва императорга мурожаат қилиб мактублар ёзгани ҳақида маълумотлар бор. Унинг бу руҳий исёни шеърларида ҳам акс этганини кузатиш мумкин:

Кириб душман сўзига дўст билмай сен мени, лекин
Худо ҳозирдурур, мен сендин ўзга ёр билмасман
Не қилдим, не хато воқеъ бўлибдур, вах, не сўз дебмен,
Ки сўз қотмас менга ул лаъли шаккарбор билмасман».

Ниҳоят, у шоҳ томонидан авф этилади ва иззат-ҳурмат билан Деҳлига олиб келинади. Лекин саройдаги ўзига хайрихоҳ бўлмаган кайфиятни кўриб, Байрамхон 1561 йил муборак жойларни зиёрат қилишга отланди. Аммо у ўз ниятини амалга оширишга эришаолмади. Буюк саркарда ва шоир 1561 йил 31 декабрда Гужаротда отасининг ўчини олишга жазм қилган афғон—Муборак Лоҳаний томонидан бераҳмларча ўлдирилди (Байрамхон унинг отасини Искандар билан биринчи уруш даврида қатл эттирган эди).

Хулоса қилиб айтганда, Байрамхон—саркарданинг, Байрамхон—давлат арбобининг бутун онгли ҳаёти Бобурий ҳукмдорлари хизматида ўтди ва бобурийларнинг марказлашган буюк давлатини қуриш учун курашга бағишланди.

Байрамхон — шоир ҳақида гапирадиган бўлсак, аввало иккита нарсани қайд этиб ўтиш лозим.

Биринчидан, Байрамхон қаламига мансуб бўлган сатрлар бизгача жуда оз миқдорда етиб келган. Москвалик олим Ғ. Ю. Алиевнинг ҳисобига кўра, ҳозир турли манбалардан шоирнинг форсий ва туркий тилда 1940 мисрагина шеъри топилгандир. Ҳозирги кунда асосий манба бўлиб 1910 йилда инглиз олими Денисон Росс томонидан Калкуттада нашр этилган форсий ва туркий қўшма девон билан тарихнавис Ниҳавандийнинг «Маосири Раҳими» номли асари хизмат қилади.

Иккинчидан, Байрамхон туркий шеърларини ёзишда кўп томонлардан ажойиб сўз устаси Заҳириддин Муҳаммад Бобир таъсири остида бўлди.

Маълумки, Бобир ўз асарларида жуда кўп ҳолларда тасвир объектига реалистик муносабатда бўлиб, жонли ва жозибадор образлар яратишга муваффақ бўлган. Бундан ташқари, ифодаларнинг тиниқлиги, тематиканинг кенглиги, ғазаллардаги чуқур лиризм ва мусиқийлик Бобир ғазалларининг доимо халқ орасида севилиб ўқилишини ва куйланишини таъминлаган эди.

Байрамхон шеъриятдаги ўз устоди Бобирнинг ижодий йўлидан бориб, жонли ва гўзал тасвирлар яратди. Бир мисол:

Яшил либос аро ул сарви гул узорни кўр,
Кўнгул очилгудек ул дилкушо баҳорни кўр.

Шоир бу ўринда яшил лисос кийган ёрини кўм-кўк бўлиб турган сарвга ўхшатади ва бу манзарадан завқланганини изҳор этади.

Кейинги байтларда эса, шу манзара тасвирини ривожлантириб, тўлдириб эсда қоларли тасвир яратишга эришади:

Либосин этди яшил сарви лола рухсорим,
Баҳор мавсумида турфа лолазорни кўр.
Гул узра сунбули сероб кўрмаган бўлсанг
Юзида тир, ичида зулфи мушкборни кўр.

Шоир ғазалларида бундай оригинал даражасига кўтарилган оддий ўхшатишлар, истеъдод билан ёзилган мисраларни кўплаб учратиш мумкин.

Албатта, Байрамхон ўзининг туркий тилда ёзган ғазалларида бадиий маҳорат нуқтаи назаридан Бобир даражасига кўтарилаолмади.

Лекин унинг шеърларидаги ўз салафига хос бўлган оригиналлик, Бобир даражасига кўтарилаолмаган бўлса-да, аммо таҳсинга лойиқ бўлган тасвирлаш маҳорати билан қўшилиб, шеърларни дилкаш қилиб туради.

Шоир асарларининг асосий ғояси бўлган гуманизм, унинг асосий ижодий йўналиши бўлган дунёвийлик, поэтик маҳорат форсий тил ҳукмрон бўлган ўрта аср Ҳиндистон шароитида ҳам унинг шеърларини асрлардан асрларга олиб ўтди.

Байрамхон шеърларининг тематикаси ҳам анча ранг-барангдир.

Шубҳасиз, шоир ижодининг салмоқли ҳиссасини ишқий мавзудаги ғазаллар ташкил этади. У бир ғазалида ёрнинг жафокорлигидан, ағёрнинг макридан шикоят қилса, бошқасида ёрига:

Бевафолик гарчи ҳусн аҳлига расмедур қадим,
Сен уларга ўхшамассан, бевафолик қилмагил»

деб уни меҳру вафога даъват этади.

Шоир традицион темаларга, образларга ва ифода услубига мурожаат қилганида ҳам, оригинал ва етук мисралар яратолди ва шу мисралар орқали ўзини тўлқинлантирган, изтиробга солган мавзуларда қалам тебратди.

Юқорида айтилган фикрлар шоирнинг фақат туркий тилда ёзилган асарларигагина тааллуқли эканини ва унинг каламига мансуб бўлган форсий шеърлар шоир ижодининг салмоқли қисмини ташкил этишини ҳисобга олсак, Байрамхон ижодий меросининг бойлиги янада яққолроқ намоён бўлади.

Байрамхондан бошқа ҳам, ҳали ижодий мерослари текширилмаган, баъзиларининг топилмаган кўпгина кишилар туркий тилда ижод этдилар. Булар орасида Бобирнинг ўғиллари шаҳзода Ҳумоюн ва шаҳзода Комрон. Байрамхоннинг ўғли—йирик олим, шоир ва таржимон Абдураҳимхон сингари шахслар бор.

Бу факт, биринчидан, Бобир ижоди ўзидан кейинги авлодга катта таъсир кўрсатиб, ҳатто Ҳиндистонда ҳам ўз давомчиларига эга бўлганлигини кўрсатса, иккинчидан, туркий тил Бобурийлар салтанатида анча вақтгача арзирли салмоққа эга бўлганини, айрим доираларда ардоқланганини кўрсатади.

Шу жиҳатдан, Байрамхон ижоди, Бобир традицияларининг давомчиси сифатида, ўзбек ва бошқа Ўрта Осиё халқлари адабиёти тарихи учун муҳимдир.

Р. ИНОМХЎЖАЕВ, илмий ходим.

БОБИРНИНГ ШОГИРДИ

ТАНИҚЛИ ШОИР

ЖАСУР САРКАРДА

ГУМАНИЗМ ҚУЙЧИСИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли Кибернетика институти илм аҳли республикамиз халқ хўжалиги учун катта аҳамиятга эга бўлган кўпгина тадқиқот ишларини олиб бораяпти.

СУРАТДА: институтнинг бир группа илмий ходимлари «Минск-22» электрон ҳисоблаш машиналари комплекси ёрдамида муҳим масалаларни ечиш устида ишлаётган пайт.

М. Нуриддинов фотоси.

ШАРҚДА МАШЪАЛ ЎЛКА

Бизнинг интервью

Серқуёш ўлкамизнинг довруғи, шон-шуҳрати йилдан-йилга ошмоқда. Шаҳримиз эса чинакам дўстлик, қардошлик ва тинчлик шаҳри бўлиб қолди. Республикамизга бўлган қизиқишнинг кучаяётганлиги, Ўзбекистонга меҳмон бўлиб келаётган чет эллик саёҳатчиларнинг тобора кўпаяётганлиги бунинг ёрқин далилидир. Яқинда мухбиримиз СССР Министрлар Совети ҳузуридаги чет эл туризми бўйича бош бошқармасининг Тошкент области бўлими бошлиғи Б. М. Зуфаров билан учрашиб, унга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— Бахтиёр Маҳмудович, ўтган йили республикамизга қанча чет эллик турист келган эди?

— Ўтган йили ўлкамизни 45 чет мамлакатдан 13 мингга яқин киши келиб кўрди. Улар Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Урганч шаҳарларида, Фарғона водийсида бўлиб, қадимий ёдгорликларни, ҳозирги қурилишларни кўрдилар.

Туристлар орасида ГДР, АҚШ, ГФР, Франция, Англия, Ҳиндистон, БАР, Афғонистон, Мексика, Венесуэла, Аргентина каби мамлакатлардан келаётган кўпчиликни ташкил этади. Умуман олганда, ўлкамиз билан танишгани ер юзидаги барча қитъалардан келишяпти.

— Бу йил чет эллик туристларнинг келишида ўзгариш бўлдими?

— Чет эллик саёҳатчилар сони йилдан йилга кўпаймоқда. Шу йилнинг олти ойи ичида 6 минг 300 дан ортиқ туристга хизмат кўрсатдик. Уларнинг 2,5 мингга яқини социалистик мамлакатлардан келишган. Биргина Германия Демократик Республикасидан 1400 киши республикамиз ҳаёти билан танишди. АҚШ, Франция, Германия Федератив Республикаси сингари капиталистик мамлакатлардан келаётган саёҳатчилар ҳам тобора кўпаймоқда. Уларнинг кўпчилиги Совет Иттифоқи билан дўстлик жамиятининг аъзоларидир. Яқинда Туркиядан биринчи марта 30 кишилик саёҳатчилар группаси келади.

Москва ва Иттифоқимизнинг бошқа шаҳарларида бўлиб ўтаётган турли хил халқаро анжуманлар иштирокчилари ҳам шаҳримизга ташриф буюришяпти. Жумладан, швециялик орнитологлар, сил касали бўйича халқаро конгресс ва VIII нефть конгресси қатнашчилари республикамизнинг илмий муассасалари билан, янги қурилишлар билан танишдилар.

Яқинда Болгариянинг Хасково округидан меҳмон бўлиб келган 30 кишилик группа эса ўзаро дўстона алоқа боғлаб турган хўжаликлар билан қизиқдилар. Уларнинг «Политотдел» ҳамда Калинин районидаги К. Маркс номли колхоз аъзолари билан учрашувлари жуда қизиқарли ўтди.

— Саёҳатчиларга қандай хизмат кўрсатиляпти?

— Саёҳатчиларнинг республикамиз ҳаёти билан яқиндан танишишлари учун барча имкониятлар яратилган. Улар меҳмонхона, махсус транспорт ва таржимонлар билан таъминланадилар, театр ҳамда кинога тушадилар. Улар учун ўзбек миллий рақс ва ашулалари концерти кўрсатилади. Яқинда Қибрайдаги янги очилган ресторанда Қ. Миркаримова ва Ш. Мирзаевлар иштирокида кўйиб берилган концерт АҚШдан келган саёҳатчиларга жуда маъқул бўлди.

— Чет эллик саёҳатчиларнинг республикамиз ҳақидаги таассуротлари қандай?

— Ҳар қандай саёҳатчини ҳам нотаниш жойнинг кўриниши, аҳолисининг яшаш шароити, маданияти, урф-одатлари қизиқтиради. Дастлабки танишувдаёқ чет эллик меҳмонлар бир вақтлар чекка ва қолоқ ўлка бўлган Ўзбекистоннинг улкан ютуқларини қўлга киритганига, Тошкентнинг эса гўзал шаҳарлардан бирига айланганлигига ишонч ҳосил қиладилар. Улар ёзиб қолдирган фикрлар бунга яққол мисол бўла олади.

Бундан икки йил муқаддам Тошкентда бўлган, бу йил эса яна меҳмон бўлиб келган Ғарбий германиялик Герберг хоним шундай ёзади:

«— Икки йил ичида бу ерда рўй берган таниб бўлмас даражадаги ўзгаришлар мени ҳайратга солди. «Тошкент» меҳмонхонаси ёнидаги Ленин музейи қандай ажойиб! Шаҳар ҳақиқатда ҳам таниб бўлмас даражада ўзгарибди. Бундай кенг кўчалар биада — Европада йўқ. Бизда транспорт ниҳоятда кўп, кўчалар эса тор, шу сабабли тез-тез транспорт воситалари тўқнашувлари, кўчаларда эса ҳаракат тўсилиб қолиши ҳоллари рўй беради. Менимча, сизда бундай проблема бўлмайди. Мен тошкентликларни улкан жасорати учун ва бутун совет халқини бу шаҳарни тиклашда кўрсатган ёрдами учун табриклашни истардим».

Бундай юрак сўзлари ёзилган варақлар кўп. Улар чет элликларнинг улкан ютуқларимизга берган одилона баҳосидир.

Планетамиз янгиликлари

ҲИНДИ-ХИТОЙ ФРОНТИДА

ХАНОЙ, КХМЕР информацион агентлиги хабар беришича 1970 йил октябрь ойидан 1971 йил июнь ойига қадар бўлган вақт мобайнида Камбоджа халқ озодлик қуролли кучлари душманининг 75 минг солдатини, жумладан Сайгон қўғирчоқ армиясининг 2850 солдатини сафдан чиқардилар, 270 ҳарбий машинани, 300 тўпни яксон қилиб ташладилар, 490 та вертолёт ва самолётни уриб туширдилар ва шикастлантирдилар, 225 та ҳарбий кемани ғарқ қилдилар, 10.000 тадан кўпроқ қурол-яроғни қўлга туширдилар.

Озодлик агентлиги хабар беради: Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронтининг қуролли кучлари 26 июндан 15 июлга қадар марказий Чунбо (Жанубий Вьетнамнинг шимолий қисми) районида душманнинг 2500 га яқин солдатини, шу жумладан 50 дан зиёдроқ американлик ва Жанубий кореялик малайларни сафдан чиқардилар. (ТАСС).

Бу суратга бир қаранг-а. Швециянинг пойтахти Стокгольмнинг бурчакларида ана шу суратдаги аёл каби қашшоқларни кўплаб учратиш мумкин. Улар ноп топиб ейиш учун эрталабдан то кечгача бир бурчакда флейта чалиб ўтиришади. Полиция таъқиб қилишига қарамай, у ерда, бу ерда биқиниб, кунларини ўтказишади.

С. Майстерман фотоси, ТАСС фотохроникаси.

КУБАНИНГ ТАБИИЙ БОЙЛИКЛАРИ

ГАВАНА. Кубанинг Пинар-Дель-Рио вилоятидаги Органос тоғларида қўрғошин ва рух рудаларининг жуда бой запаси топилди. Бу ерларда миллионлаб тонна қимматли минерал бор. Ана шу конларни очиш Кубада рангли металлургияни яқин йилларда мобайнида янада кенг ривожлантириш истиқболларини туғдиради.

Революцияга қадар Кубанинг ўз металлургия саноати йўқ эди, рух ва қўрғошин конларининг топилиши жуда катта аҳамиятга эга. (ТАСС).

БЕШ ЭГИЗАК УЙИ

ВАРШАВА, Польшадаги энг эркатой болалар — икки ярим ой муқаддам Гданьскда туғилган беш эгизак янги уйда яшайди. Гданьск шаҳар кенгаши бу чақалоқларнинг ота-оналарига — Рихеретлар оиласига шаҳарнинг энг кўкаламзор районларидан биридаги шинам уйни ажратиб берди. Бу оилада эгизаклардан аввал ҳам икки фарзанд бор эди. Уй олти хонадан ва катта ошхонадан иборат.

Чақалоқлар дуркун ўсмоқда ва янги уйга кўчишга тайёргарлик кўрмоқда. Улардан ҳар бирининг вазни тўрт килограммга етай деб қолди. (ТАСС).

Мустақиллик байрами

ЛИМА. ТАСС мухбири Е. Ельшов хабар беради:

Перу Республикаси миллий мустақиллиги эълон қилинган кунга 28 июлда 150 йил тўлади. Испания фотихлари эрксевар перу халқини тиз чўктира олмадилар ва Жанубий Америкадаги ана шу мамлакатдан чиқиб кетишдан мажбур бўлдилар. Перу 1821 йилда сиёсий мустақилликка эришди.

Аммо испанияпик босқинчиларнинг ҳайдаб юборилиши Латин Америкасидаги бошқа халқлар кабн перуликларга ҳам чинакам озодлик келтирмади. Янги мустамлакачилар аввало, инглиз монополистлари, сўнгра эса Америка монополистлари бу мамлакатда пайдо бўлиб қолди.

Испания мустамлакачилиги давридагидек бу сафар ҳам мамлакатда иқтисодий ва сиёсий озодлик йўлидаги ҳаракат яна бошланиб кетди. Бу курашда аҳолининг барча табақалари қатнашди. Меҳнаткашларнинг иш ташлаш ҳаракати кучайиб кетди. Деҳқонлар помешчикларнинг ерларини тортиб ола бошладилар. Коммунистлар империализмга қарши ягона демократик фронтни вужудга келтириш учун курашдилар. Ҳарбийлар орасида ҳам ватанпарварлик кайфиятлари кучайди. 1968 йил октябрь ойида генерал Веласко Альварадо бошчилигидаги ҳукумат ҳокимият тепасига келди.

Перуда иш кўрган Америка компаниялари орасида энг йиртқич компания деб ҳисобланган «Интернэшнл петролеум компания»ни национализация қилиш янги ҳукуматнинг биринчи тадбири бўлди. Перу давлатига қарашли «Эмпреса Петролера фискаль» компанияси 1969 йил 2 январда ана шу компаниянинг корхоналари ва иншоотларига раҳбарликни ўз қўлига олди. Бу — Америка империализмига мардона берилган зарба эди. Американинг ҳарбий миссияси мамлакатдан чиқариб юборилди, ер ислоҳоти ўтказила бошланди. Совет Иттифоқи билан ва бошқа социалистик мамлакатлар билан дипломатия муносабатлари ўрнатилди, корхона эгаларининг фаолияти чеклаб қўйилди ва меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилди, экономика ва молия ишларида давлат сектори мустаҳкамланди. Бу тадбирларнинг ҳаммаси мамлакатнинг суверенитети ва миллий мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган эди.

Янги ҳукумат ҳокимият тепасига келган кундан буён икки йилдан сал кўпроқ вақт ўтди. Бу давр ичида мамлакатда катта ўзгаришлар рўй берди. Помешчикларга ва чет эл компанияларга қарашли уч миллион гектардан ортиқ ер мусодара қилинди, деҳқонлардан ярим миллион киши ер олди.

Перуда ҳозирги жараён оғир ва мураккаб жараёндир. Бу жараён Америка империализмига қарши ва у билан боғланган маҳаллий олигархияга қарши доимий кураш шароитида содир бўлмоқда. Халқ оммасининг барча табақаларн бу курашни кучайтириш зарур эканлигини англаб олдилар. Бу эса халқ оммасининг муваффақият қозонишн учун гаровдир. Перу Коммунистик партияси кўп марта таъкидлаб ўтганидек, халқ оммасини актив қатнаштирмай туриб, мамлакатда туб ўзгаришларни амалга ошириш мумкин эмас.

(ТАСС).

БРАЗИЛИЯДА ИШСИЗЛИК

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО, Бразилияда ишсизлик ҳаддан ташқари зўраяиб кетди. Гарчи мамлакатда расмий маълумотлар эълон қилинмаган бўлса ҳам, матбуотнинг хабар қилишича, ҳозирги вақтда миллион-миллион меҳнаткашлар иш қидириш билан банд. Сан-Паулу штатининг ўзидагина аҳолининг 40 процентдан кўпроғига қиладиган иш йўқ. Рио-Гранди-Дусулда 170 минг киши ишсиз қолган. Мамлакатда ишчи кучларини тайёрлаш ва улардан фойдаланиш юзасидан ягона давлат сиёсатининг йўқлиги оқибатида ишсизлик проблемаси кескинлашиб кетмоқда.

Аҳолининг хат-саводсизлиги Бразилияда ишсизлик ўсиб бораётганлигининг сабабларидан биридир. Матбуотнинг хабар қилишича, 25 миллион ишчининг тенг ярми саводсиз. (ТАСС).

ШАРҚИЙ—ШИМОЛИЙ ҲИНДИСТОНДА СУВ ТОШҚИНИ

ДЕҲЛИ. Шарқий-Шимолий Ҳиндистонда жала қуйганлиги сабабли ўнлаб дарёлар, шу жумладан Ганг ва унинг Ирмоқлари тошиб кетди. Юз минглаб кишилар бошпанасиз қолди. Катта-катта майдонлардаги ҳосил ноёб бўлди.

Ғарбий Бенгалия Штатининг чегара районлари тошқиндан, айниқса кўп зарар кўрди. Шарқий Покистондан қочиб келган 5 миллиондан ортиқ киши шу ердан бошпана олган эди. Сув босган районлар аҳолисини кўчириб олиб кетмоқ учун маъмурлар қўшинларни жалб этишга мажбур бўлдилар. У ерда салкам 50 минг киши кўчада қолди. (ТАСС).

Покистонлик қочоқлар Ҳиндистонда

ДЕҲЛИ, «Пэтриот» газетаси расмий манбаларга таяниб хабар беради: кейинги 4 ой мобайнида Ҳиндистон чегарасидан Шарқий покистонлик қочоқлардан 7,5 миллион киши ўтди. Улардан 5,5 миллион киши мамлакатнинг турли штатларида қурилган махсус лагерга жойлаштирилди.

Қочоқларни турар жой ва энг зарур нарсалар билан таъминлаш Ҳиндистон ҳукумати учун жиддий проблема бўлиб турибди. Ҳозир, деб таъкидлайди «Пэтриот» газетаси, кучли муссон ёмғирлари ёғаётган бир шароитда қочоқлар чодирларга ва брезент бостирмаларга жуда ҳам муҳтож.

(ТАСС).



Сурия Араб Республикасидаги Табқи шаҳри кундан-кунга гўзаллашиб бормоқда.

СУРАТДА: (ўнгда) савдо марказини кўриб турибсиз.

В. Будан фотоси, ТАСС фотохроникаси.

ИСРОИЛДА НАРХ-НАВО ОШМОҚДА

ЛОНДОН. Исроилда нефть ва нефть маҳсулотларининг нархи оширилди. Бензиннинг нархи 11 процент, уйда фойдаланиладиган газ нархи 25 процент, керосин нархи икки баравар ортди деб хабар берадди Қуддусдан Рейтер агентлиги мухбири. Молия министри Сапир-баллондаги газ нархининг айтишига қарағанда, Исроил ҳарбий ҳаражатларининг ортиши нархнинг яна кўтарилишига сабаб бўлган.

(ТАСС).

НИЛ СОҲИЛИНИНГ МЕҲМОНЛАРИ

Республикамизга қадимий Нил соҳилларидан спорт делегациялари меҳмон бўлиб келади. Биринчи августдан еттинчи августгача улар Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган совет—араб спорт ҳафталигида иштирок этишади.

Меҳмондўст тошкентликлар Бирлашган Араб Республикаси вакилларини сабрсизлик билан кутишмоқда. Араб ва ўзбек спортчиларининг бу учрашувлари совет—миср халқлари ўртасидаги дўстликнинг яна бир ёрқин тимсолидир.

Бир ҳафта давом этадиган бу спорт программасига енгил атлетика, сузиш, оғир атлетика, классик кураш ва дзюдолар киради. Учрашувлар Тошкентдаги «Старт», «Динамо», «Спартак» стадионларида, «Ешлик» манежида, армия спорт клуби бассейнида ва Тельман номидаги паркда ўтказилади.

Ўзбекистонга ташриф буюрган Бирлашган Араб Республикасининг спортчилари республикамизнинг диққатга сазовор жойлари билан танишишади. Жумладан, улар қадимий Самарқанд шаҳрида, В. И. Ленин номидаги Марказий музей филиалида, Тошкент тўқимачилик комбинатида, Тошкент областидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида, Алишер Навоий номидаги Катта опера ва балет театрида бўлишади.

Бирлашган Араб Республикасининг спорт делегацияси ташриф буюрган куни матбуот конференцияси ўтказилади.

Иккинчи августда эса «Ешлик» манежида ҳафталик тантанали суратда очилади.

«Мўлжалга тушармикан».

ФУТБОЛ ЯНГИЛИКЛАРИ

Ўзбекистон ССР кубоги учун финалда қайси командалар ўйнаши аниқланди. Сўнгги ҳал қилувчи учрашувда Тошкентнинг Армия спорт клуби «Ташкенткабель» командаси билан беллашади.

Армия футболчилари ярим финалда Маргилонда «Меҳнат» командаси билан ўйнаб, майдон эгаларини 2:1 ҳисобида ютишди. «Ташкенткабель» спортчилари эса финалга Чирчиқнинг «Химик» командасини ютиб чиқишди. Улар бу учрашувда чирчиқликларни 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

Украинанинг Нежин шаҳрида «Юность» кубоги учун Бутуниттифоқ футбол мусобақалари бўлиб ўтди. Ўзбекистон терма командаси бу ерда катта муваффақиятга эришди. Ёш футболчиларимиз Украина, Арманистон ва Ленинград командалари билан дуранг ўйнаб, Молдавия командасини мағлубиятга учратишди ва «Юность» кубоги учун Бутуниттифоқ футбол ўйинлари финалида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Футбол

ПЕШҚАДАМ ОЧКО ТЎПЛАМОҚДА

Футбол бўйича мамлакат биринчилиги учун биринчи группа командалари ўртасида навбатдаги учрашувлар бўлиб ўтди. Ригада «Даугава» командаси Ярославлнинг «Шинник» футболчиларини қабул қилиб 3:1 ҳисобида ютди. Пешқадамликни қўлдан бермай келаётган Москванинг «Локомотив» спортчилари бу галги ўйинларини Вильнюснинг «Жальгирис» футболчилари билан ўтказишди. Москвaликлар бу сафар майдон эгаларини 3:0 ҳисобида ютиб 22 учрашувдан 34 очко тўпладилар. Ленинграднинг «Динамо» командаси билан «Текстильщик» (Иваново) спортчиларининг учрашуви ленинградликлар фойдасига 1:0 ҳисобида тугади. Душанбанинг «Помир» спортчилари «Металлург» (Запорожье) футболчиларига 3:1 ҳисобида ютқазиб қўйишди. Фрунзенинг «Олга» командаси бу сафар ўз майдонида Кишинёвнинг «Молдова» спортчиларини қабул қилиб, уларни 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. «Шахтёр» (Қарағанда) билан «Черноморец» (Одесса) ва «Крылья Советов» (Куйбишев) билан Свердловскнинг «Уралмаш» командалари ўртасидаги учрашувлар меҳмонлар фойдасига 2:1 ҳисобида тугади. «Днепр» (Днепропетровск) футболчилари турнир жадвалида иккинчи ўринда боришмоқдалар. Улар ўз майдонларида Астраханнинг «Волгарь» спортчиларини қабул қилиб, 4:0 ҳисобида ютишди. Харьковнинг «Металлист» командаси эса Ашхободнинг «Строитель» футболчиларини қабул қилиб, меҳмонлар дарвозасига жавобсиз уч тўп киритди. Кутаисининг «Торпедо» командаси билан Оржоникидзенинг «Спартак» спортчилари ўртасидаги учрашув ҳам 3:0 ҳисобида майдон эгалари фойдасига ҳал бўлди.

Турнир жадвалининг охирги ўринда бораётган Козонинг «Рубин» футболчилари бу сафар ҳам мағлубиятга учрашди. Улар Кемеровонинг «Кузбасс» спортчиларига 1:2 ҳисобида ютқазишди.

КОМАНДАЛАР 27 ИЮЛГАЧА ТУРНИР ЖАДВАЛИДА ҚУЙИДАГИ ЎРИНЛАРДА БОРИШМОҚДА

	У	Ю	Д	М	Т—Н	О
«Локомотив»	22	14	6	2	34—15	34
«Днепр»	22	12	6	4	39—18	30
«Черноморец»	22	11	7	4	22—12	29
«Текстильщик»	22	8	11	3	24—14	27
«Динамо» Л.	22	9	5	8	21—17	23
«Шахтёр»	22	8	7	7	20—18	23
«Уралмаш»	22	8	7	7	16—15	23
«Торпедо» Кт.	22	7	9	6	25—25	23
«Металлист»	22	9	4	9	22—21	22
«Металлург»	22	6	9	7	18—18	21
«Жальгирис»	22	7	7	8	19—23	21
«Шинник»	22	8	5	9	20—25	21
«Кузбасс»	22	7	7	8	20—28	21
«Помир»	22	8	4	10	20—21	20
«Олга»	22	6	8	8	16—19	20
«Крылья Советов»	22	7	5	10	20—23	19
«Даугава»	22	6	7	9	13—17	19
«Молдова»	22	5	9	8	13—20	19
«Спартак» Ор.	22	7	5	10	21—29	19
«Волгарь»	22	4	9	9	14—23	17
«Строитель»	22	7	3	12	18—28	17
«Рубин»	22	5	6	11	18—24	16

Ҳар дам ғанимат. Н. Надеждин фотолари.

СПОРТ

Саёҳ сарғузаштлари

ТУЙНУКДАГИ ЮЛДУЗЛАР

Энг оғир кишанинг — уйнинг остонаси, деган ҳикматни қайси донишманд айтган бўлса, топиб гапирган экан. Кундалик ташвишлар, югур-югурлар билан шу қадар ўралашиб қолдикки, остона ҳатлаб, узоқроқ жойга чиқишга юрагингиз бетламай туради. Лекин остона «кишани»дан чиқиб олгандан кейин, руҳингизда алланечук енгиллик сезасиз. Сафар ғашти вужудингизга майин бир кўй каби сингиб кетади.

Бизлар етти киши эдик. Бешовимиз тошкентлик «меҳмонлар», яна икки киши мезбонлар эди. Энг олдинда йил бўйи совхозимизга раҳбарлик қилган Абдумахмуд ака борарди. Унинг чинакам чавандозлар каби эгарга ёпишиб ўтиришини, офтобда қизарган силлиқ чеҳрасини кўрган киши бу одам неваралик эканига ишонгиси келмайди. Унинг бутун ҳаракатларида йигитлик шижоати жўшиб турарди. Абдумаҳмуд ака Четсув қишлоғидаги Байнал—Минал қишлоқ Советида бир неча йил раислик қилган, ҳозир ҳам уни ҳамма оқсоқол деб атайди.

Чавандозларнинг энг охирида Шамат ака боради. Турмуш машаққатлари унинг кўз қарашларида, онда-сонда айтиб қоладиган гапларида, эрта оқарган сочларида ўз тамғасини қолдирган. У уруш қатнашган бир қўлидан айрилган, бир неча йил илгари ўзи яшаб турган уйни тоғ оралигидаги Эртош қишлоғининг бошланғич мактабига бўшатиб берибди. Оқ қўрғонга кетган, кейин яна қишлоғига қайтиб келган. Чавандозликда у ҳам «оқсоқол»дан қолишмайди.

Фақат биз — «меҳмонлар» бир соат юрар-юрмас, от минишга машинада ястланиб ўтиришга эмаслигини билиб қолдик. Аввалига юмшоққина туюлган эгар энди шундай азоб бера бошладики, бетоқат бўла бошладик. Аммо манзил олис. Олтмиш чақирим йўл босиб, Арашон бува деган жойга боришимиз керак.

Отлар пишқириб-пишқириб қўяди. Тоғ сўқмоғидан кўтарилаётганда, бўйни терлаб, ёли ёпишиб кетади. Ҳарсиллаб нафас олади.

— Эгарда ҳадеб қимирлайверманглар. Бир текис ўтиринг, отни ўз ҳолига қўйиб беринглар, — деб маслаҳат беради Абдумаҳмуд ака.

«Бир текис ўтиринглар...» Айтишга осон. От тикка кўтарилаётганда, эгарнинг қошига ёпишамиз. Пастга тушиш ундан ҳам азоб. Негадир ҳозироқ от қоқилиб кетадигандай, бўйнидан ошириб ташлаётгандай туюлаверади.

Атроф сокин. Белга урадиган ўтлар шабадада оҳиста тўлқинланади. Негадир, қушлар ҳам сайрамайди, чигирткалар чирилламайди. Гўё бутун табиат мана шу улуғвор сукунатни бузишни манъ этиб қўйгандай. Фақат отлар пишқиради. Туёқ товушлари бўғиқ гурсиллайди. Аҳён-аҳёнда сой учрайди. Тошларга урилиб айқираётган сув товуши анчагача қулоқ остида шовуллаб туради.

— Мана шу қирдан ошсак, Қизилчага етамиз. У ёғи Келинчакчача ўн беш чақирим,— дейди йўл бошловчимиз қамчи билан имо қилиб.

Қўл чўзса етгудек «мана шу» қирдан ошиш учун ҳам беш чақирим юриш керак.

Яна ўша туёқ товушлари. Яна ўша сокин гўзаллик. Қирнинг тепасига чиққанда, орқага қарасангиз, бошингиз айланиб кетади. Ажиб ҳақиқат: одам босиб ўтган йўлига эмас. босиб ўтиши керак бўлган йўлига қараши керак. Аммо, барибир, олисда, пастликда қолган баҳмал ўтлоқ, илон изи сўқмоқ оловдай иссиқ кўринади кўзингизга.

Ниҳоят олдинда — ясси адр ўртасида ялтироб оқаётган сой, соҳилда турган уч-тўрт ўтов кўринди. Отлар манзил яқинлигини билгандай қадамини тезлатди.

—Уркинбойнинг ўтови,— деб тушунтирди ҳамроҳимиз.—Фарғонадан келган чўпонлар шу ерда тўхташган.

Сойдан ўтишимиз билан, икки-уч минут ичида дарров олов ёқилди. Совқотган баданга иссиқ югурди.

— Фарғонанинг чўпони борки, баҳор келиши билан шу томонга кўчиб чиқади, — деди ўтов эгаси Бўзвой ака тушунтириб.— Яйловлар кенг, ўт сероб. Мана энди тўй мавсуми бошланди. Тўйлар бир-бирига уланиб кетаверади.

Тун яримдан оққанда, атроф тинчиб қолади. Фақат итлар акиллайди. Совутилган отлар бетоқат кишнаб қўяди. Қўшни ўтовда бола йиғлайди. Онаси алла айтади. Ўртадаги арча ўтинининг чўғи ёқут нуқралардай қизариб кўринади. Ўтов кераги-са илиб қўйилган идиш-товоқларда, ялтироқ тақинчоқлар, бир чеккадаги сандиқ тунукаларида шафақ ўйнайди. Тўйнукдан эса ёрқин, пастак юлдузлар мўралайди. Улар жимгина боқувчи ўйчан кўзлар кабн тикилиб тураверади-тураверади, беихтиёр хаёл олиб қочади кишини.

Ривоят қилишларига қараганда, қадим замонларда бир қишлоқни ёв босибди. Йигитларни қиличдан ўтказиб, қизларни оёқ остн қилишибди. Елғиз бир келинчак душманга бўйсунмабди. Тоғ-тошлар ошиб, мана шу ерга, икки тоғ орасидаги ўтлоққа келиб, у ёғига ўтолмай қолибди. Душман қўлига тушгандан кўра, тошга айланиб қолай, деб илтижо қилибди. Чиндан ҳам, тошга айланиб қолибди. Ушандан буён бу ерни Келинчак деб аташармиш.

Бора-бора ҳаммаёқ жимиб қолади. Ўчоқдаги чўғ сўнади. Ташқарида отлар кишнамайди, итлар ҳурмайди. Ҳамма уйқуга кетади. Фақат туйнукдан боқиб турган юлдузлар бедор. Вафодор келинчак хотирасини кўриқлагандай ўйчан тикилиб туради...

(Давоми бор).

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Реклама ва эълонлар

Кино

29 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

Майерлинг (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ». «ДРУЖБА», «ВОСТОҚ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЧАЙКА», «МОСКВА», «СПУТНИК» (кечқуруи).

Утган кунлар (ўзбек тилида, кечқурун) — НАВОИЙ номли.

Асримиздан миллион йил илгари — «КУКЧА» (кечқурун).

Оливер — «ЧАЙКА» (кеч соат 9 да),

Бегуноҳ бўлса, озод эт! — САНЪАТ САРОЙИ (кечқурун).

Леди Гамильтон — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

Беш баҳодир — ҲАМЗА номли (тоқ соатларда).

ЕЗГИ БИНОДА

Қаноннр Долас саргузашти — «ФЕСТИВАЛЬ».

Майерлинг (2 серия) — «ХИВА», **Ёввойи қалб** «РАКЕТА».

Қора лола — НАВОИЙ номли.

30 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

Митти қайиқча — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 11,3, кеч 7 ва 10 яримда), «КУКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Ҳаммаси сотилади — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 1,5, кеч 8.45 минутда).

Ҳамроз (ўзбек тилида) — «НАВОИЙ номли (кундуз соат 1 ва кеч 6.20 минутда).

Майерлинг — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 3, кеч 6ва 9да), «ВОСТОК» (эрталаб соат 10, кундуз 1, 4, кеч 7 ва 9.45 минутда). «ЧАЙКА» (кундуз соат 11, 1 ярим, 4 кеч 6 яримда), «МОСКВА» (эрталаб соат 10 ярим, кундуз 1, 3 ярим, кеч 6 ва 8 яримда). «ДРУЖБА», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Беш баҳодир — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

Бегуноҳ бўлса, озод эт! — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 11, 1, 3, 5 ярим, кеч 7 ярим ва 9.15 минутда).

Қаноннр Долас саргузаштлари— «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12 ва кеч 8да), ҲАМЗА номли (тоқ соатларда).

ЕЗГИ БИНОДА

Майерлинг — ТЕЛЬМАН номли, «ХИВА».

Беш баҳодир — «ФЕСТИВАЛЬ».

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

29, 30 ИЮЛЬ КЕЧ СОАТ 8 ДА

КАТТА КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артистлари: Қундуз МИРКАРИМОВА, Муҳаммаджон МИРЗАЕВ;

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Меҳри АБДУЛЛАЕВА, Вилоят ОҚИЛОВА;

VI Жаҳон фестивалининг лауреати Анвар РУСТАМОВ;

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Дилбар ФАЕЗОВА;

Солистлар: Гулшод ОТАБОЕВА, Алижон ХАСАНОВ, Уринбой ОТАЖОНОВ, Назира ШЕРАЛИЕВА, Қизлархон ДУСТМУҲАМЕДОВА, Дилафруз ЖАББОРОВА, Аҳмаджон ШУКУРОВ.

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИ

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ БЮРОСИ

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ

(Физкультурная кўчаси, 6-уй)

Тошкентлик ҳамда бошқа шаҳардан келган қизларни (улар ётоқхонага жойлаштирилади ва пропискадан ўтказиладилар)

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Комбинатда қизлар тезда тўқувчи, йигирувчи, ўровчи, зарядловчи, таровчи касбларини ўрганишлари мумкин.

Комбинат қошида ФЗУ мактаби, ишчи-ёшлар мактаби, кечки тўқимачилик техникуми ва институтга тайёрлов курслари мавжуд.

КОМБИНАТДА КАМИДА ИККИ ЙИЛ ИШЛАГАН ИЛҒОР ИШЧИЛАР ТЎҚИМАЧИЛИК ИНСТИТУТИНИНГ КУНДУЗГИ БЎЛИМИГА УҚИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР. УЛАРГА КОМБИНАТ ҲИСОБИДАН СТИПЕНДИЯ БЕРИЛАДИ.

Тўқимачилар саройида кўп бадиий ҳаваскорлик тўгаракларн ишлайди.

Комбинат ўз спорт базасига эга.

Сиз яхши дам олиб севган спорт турингиз билан шуғулланиб, бўш вақтингизни қизиқарли ва хушчақчақ ўтказаоласиз.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3 подъезд, 1-қават, 5-хона, аҳолини ишга жойлаштириш ва информация қилиш бюроси;

РАЙОН ИЖРОИЯ КОМИТЕТЛАРИ ҲУЗУРИДАГИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ПУНКТЛАРИНИНГ АДРЕСЛАРИ:

Ленин районида—Полторацкий кўчаси, 72-уй;
Октябрь районида — У. Юсупов кўчаси, 3 уй,
Куйбишев районида — К. Маркс кўчаси, 59-уй;
Киров районида — 2-Белинский кўчаси, 6-уй;
Ҳамза районида — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй;
Чилонзор районида—Чилонзор кўчаси, 2-квартал, 53-уй;
Фрунзе районида—Ш. Руставели кўчаси, 62-уй;

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими бўйича Давлат комитети 11 — ҳунар-техника билим юрти

1971-1972 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ: электромонтёрлар, таъсимлаш қурилмалари бўйича, ёритиш ва куч-ли қурилмалар бўйича, саноат усқуналари эксплуатацияси ва тузатиш бўйича, электрослесарлар, ювелирлар тайёрлайди.

Билим юртига 8-10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 14 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

ЎҚУВЧИЛАР — ДАВЛАТ ТАЪМИНОТИДА БЎЛАДИЛАР.

Ўқиш даври иш стажига қўшилади.

Билим юртида кечки мактаб ва техникум, спорт зали ва клуб мавжуд.

Бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ва спорт секциялари доимо ишлаб турадн.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар техникумларга юборилиадилар.

Ўқиш муддати— бир ва икки йил.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Кирувчилар: ариза, маълумоти ва туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар, турар жойидан справка, 3х4 сантиметр ҳажмдаги 6 дона фотосуратларни топширишлари лозим.

Ҳужжатлар якшанбадан ташқари ҳар куни арталаб соат 9 дан кеч 6 гача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Физкультурная кўчаси, 82-уй (3, 18, 26, 30, 54 автобуслар, 2, 6, 13 троллейбуслар, 9, 11, 14, 24 трамвайларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

Телевизор

29 ИЮЛЬ

ПАЙШАНБА

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 19.00 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 19.05 Болалар учун мультфильм. 19.25 «Ахборот» информацион программаси. **Узбек тилида:** 19.40 «БЎСТОН». Тележурнал 20.20 Ленин йўлидан. «Съезддан-съездгача». Кўп сериялн телевизион ҳужжатли фильмнинг «1967 йил» ҳақидаги иккинчи сериями. 20.55 «Ахборот» информацион программаси. 21.10 «БИР КЕЛИБ КЕТИНГ ҚИШЛОҒИМИЗГА». Қашқадарё область, Шаҳрисабз районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ленин номли колхоз ҳақида телеочерк. **Москва кўрсатади.** 22.00 Футбол бўйича СССР биринчилиги «ДИНАМО» (Киев) — «НЕФТЧИ» (Боку). 00.15 «Вақт» информацион программаси. 00.45 Москва кўрсатувларининг охири.

30 ИЮЛЬ

ЖУМА

Биринчи программа. 17.30 **Москва кўрсатади.** 17.35 Ўқувчилар учун. «Ленинский горидаги» пионерлар саройи кинофестивалида. 18.00 Рангли телевидение. Болалар учун мультфильм. 18.30 «Чорвачилик истиқболлари». **Тошкент кўрсатади.** 19.00 Кўрсатувлар программаси. 19.05 «Ахборот» информацион программаси. (рус тилида). **Узбек тилида:** 19.20 Шоирлар — болаларга. 19.40 КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА! Юксалиш программаси. 19.55 «Ахборот» информацион программаси. 20.15 Рангли телевидение. Андижон шаҳар «Ешлик» халқ ансамблининг чиқиши. Тажриба кўрсатуви. **Москва кўрсатади.** 21.00 Рангли телевидение. СССР ХАЛҚЛАРИ ВСПАРТАКИАДАСИНИНГ ТАНТАНАЛИ ЕПИЛИШИ. 21.05 Ленин йўлидан. «Съезддан-съездгача». Кўп сериями телевизион ҳужжатли фильмнинг «1967 йил» ҳақидаги 2-сериями. 21.55 «Ёзувчи ва беш йиллик». 22.25 Кўрсатувлар программаси. 22.30 **Москва кўрсатади.** 23.30 «Вақт» информацион программаси. 24.00 Рангли телевидение. «Қовоқхонада», Л. Минкуснинг «Дон Кихот» балети асосида композиция.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 17.50 «Мўъжиза билан учрашув». Телевизион фильм (рус тилида). 19.00 **Москва кўрсатади.** 19.30 Тележурнал 20.00 Янгиликлар. 20.10 «Телеграмма». Телевизион бадиий фильм. 20.45 «Жанубий Африка Компартиясининг 50 йиллиги олдидан». Партия раиси Джон Маркс чиқиши. **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида.** 21.00 «Ёзувчи ва беш йиллик». 22.30 «Чолу кампир бор экан». Бадиий фильм.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. 20.00 Врач маслаҳати(ўзбек тилида). **Рус тилида:** 20.10 Фильм-концерт. 21.10 «Тўлқинда — 02». 21.40 Бағри тош отанинг ўғиллари». Бадиий фильмнинг 2-сериями.

Радио

29 ИЮЛЬ

ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Заводга янги киши келди». Репортаж (ўзбекча) 18.10 Камер куйлар. 18.40 Спорт эшиттириши (русча). 19.20 Татар композиторларининг асарлари. 20.00 «Ешлик» радиостанциясининг программаси. 21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 Қишлоқ хўжалик ходимларининг талабларига мувофиқ концерт. 22.15 «Дилкаш дуторим». Концерт. 22.40 «Ёзувчи ва янги беш йиллик» (ўзбекча). 23.15 Мақом кечаси. 24.00 Тунги музикали программа.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 «Ешлар ижоди». Адабий эшиттириш (ўзбекча). 20.00 Тожик куйлари. 20.30 Топишмоқли концерт. 21.00 «Етукликнн этюди». Очерк (русча). 21.40 «Москва.

30 ИЮЛЬ

ЖУМА

Биринчи программа. 6.15 Тонг. ги концерт. 7.40 Якка созларда ижро этиладиган куйлар. 8.25 Ўзбекистон композиторларининг қўшиқлари. 9.30 Ўзбек операларидан увертюралар. 9.50 «Оламда нима гап? (тожикча). 11.15 «КПСС XXIV съезди қарорлари — ҳаётга!». «Шаҳарлар қиёфаси ўзгармоқда» (ўзбекча). 11.30 Ватан ҳақида, партия ҳақида қўшиқлар. 12.15 «Инглар ва қўшиқлар». Музикали эшиттириш 13.30 Опера увертюралари. 16.10 Ешлар учун музикали соат. 16.50 «Правда» газетасининг обзори. 17.00 Концерт.

18.00 Илмий-атеистик мавзуларда эшиттириш (ўзбекча). 18.10 Республика композиторларининг романслари. 19.20 Радио эшитувчиларнинг талабларига мувофиқ концерт. 20.00 «Ўзбекистан индустриальний» радионурнали. 20.30 Саноат ходимлари учун концерт. 21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кечки концерт. 22.30 Янги ёзнб олинган асарлар О. Бадиков. «Қоракўм фожиаси». Радиоспектакль (ўзбекча). 24.00 Тунги музикали программа.

Иккинчи программа. 8.25 А. Пахмутова ва Э. Колмановский қўшиқлари. 9.15 Реклама.

19.00 Ўзбек халқ куйлари. 20.00 Аисорий шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 20.30 В. Мейер. Ўзбек халқ темаларига сюита. 20.50 «Янгим-теримга шай». Ремонт устахонасидан репортаж. 21.00 Жаҳон прогрессив адабиёти. Качада ёзувчи Х. Гутьереснинг «Порт Лимон» романидан парча (ўзбекча). 21.40 Москва.

Учинчи программа. 14.00 А. Козловский. «Улуғбек» операсининг монтажи. 15.00 Штейнберг-Симфония-рапсодия. 16.00 «Полк ўтмоқда». М. Шолоховнинг «Улар Ватан учун жанг қилдилар» романи асосида радиоспектакль (русча).

19.00 «Ешлик» радиостанциясининг программаси.

4 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
29 ИЮЛЬ, 1971 й.

«Вечерний Ташкент» орган Ташкентского горкома КП УЗБЕКИСТАНА и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй, Редакция телефонлари: Коммутатор —33-02-49 дан 33-02-58 гача: редактор ўринбосарлари—33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар —33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари — 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари—33-28-55, хатлар ва оммавий ишлар—33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари —33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими—33-28-95, эълонлар бўлими — 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579. НАШР А—2615. Р—00614